XALQ DEPUTATLAR JIZZAX VILOYATI KENGASHINING QARORI

2021 - yil 16 - noyabr VI-29-75-3-0-K/21 Jizzax viloyati hokimligi

ЛОЙИҲА

Жиззах вилоятида қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган ерлар учун юридик шахслар ҳамда мулк ҳуқуқи, эгалик қилиш, фойдаланиш ёки ижара ҳуқуқлари асосида ер участкаларига эга бўлган жисмоний шахслар учун 2022 йилга белгиланган базавий солиқ ставкаси асосида ер солиғи ставкаларини тасдиқлаш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 3 декабрдаги ПФ-6121-сонли “Ресурс солиқлари ва мол-мулк солиғини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги Фармони, Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 429-моддаси ҳамда 437-моддалари ва Ўзбекистон Республикаси “Махаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Қонунининг 6 - , 24 - моддаларига асосан 2022 йил учун Жиззах вилоятида белгиланган базавий солиқ ставкаси асосида қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган ерлар учун юридик шахсларни мулк ҳуқуқи, эгалик қилиш, фойдаланиш ёки ижара ҳуқуқлари асосида ер участкаларига эга бўлган жисмоний шахслар учун 2022 йилга ер солиғи ставкаларини тасдиқлаш бўйича халқ депутатлари вилоят Кенгаши

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 429-моддасига мувофиқ Жиззах вилояти учун белгиланган базавий солиқ ставкаси асосида қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган ерлар учун юридик шахслар бўйича мутлақ миқдорда белгиланган базавий солиқ ставкасига киритилаётган камайтирувчи ва оширувчи коэффициентлар 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 437-моддасига мувофиқ

мулк ҳуқуқи, эгалик қилиш, фойдаланиш ёки ижара ҳуқуқлари асосида ер участкаларига эга бўлган жисмоний шахслар (бундан деҳқон хўжалигини юритиш учун берилган қишлоқ хўжалиги учун мўлжалланган ерлар мустасно) бўйича мутлоқ миқдорда 1 кв.м. учун белгиланган базавий солиқ ставкаларига нисбатан киритилаётган камайтирувчи ва оширувчи коэффициентлар 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3. Бунда, туманлар ва шаҳарлар халқ депутатлари Кенгашлари, юқорида 1-2-иловалар билан белгиланган солиқ ставкаларига 0,7 дан 3,0 гача бўлган камайтирувчи ва оширувчи коэффициентларни белгилаш ҳуқуқига эгалиги кўрсатиб ўтилсин.

4. Вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари А.Мустанов, вилоят молия бош бошқармаси (А.Рахматуллаев), вилоят солиқ бошқармаси (Б.Тошпўлатов)ларга 2022 йилдаги бюджет-солиқ сиёсатидаги ўзгаришлар, солиқлар ва тўлов ставкалари, солиқ солиш тартиблари ҳамда бошқа маълумотларни оммавий ахборот воситаларида ёритилишини таъминласин.

5. Мазкур қарор “Жиззах ҳақиқати” ва “Джизакская правда” газеталарида расман эълон қилинсин ҳамда вилоят ҳокимлигининг jizzax.uz расмий веб-сайтига жойлаштирилсин.

6. Қарор 2022 йил 1 январидан бошлаб кучга киради.

Вилоят ҳокими **Э.Салиев**

Халқ депутатлари Жиззах вилоят
Кенгашининг
2021 йил 16 ноябрдаги
VI-29-75-3-0-K/21-сон қарорига
1-илова

Қишлоқ хўжалиги учун мўлажалланмаган ерлар учун юридик шахслар бўйича бўйича мутлоқ миқдорда 1 гектар ер учун белгиланган базавий солиқ ставкасига киритилаётган камайтирувчи ва оширувчи коэффифентлар

Т/Р	Ҳудудлар	Коэффицент (0,5 дан 2 гача)	Ер солиғининг ставкаси 2022 йил учун (млн.сўмда)
1	*2*	*3*	*4*
1	**Арнасой тумани**	**1,00**	**29,0**
2	**Бахмал тумани**	**1,15**	**33,4**
3	**Ғаллаорол тумани**	**1,15**	**33,4**
4	**Ш. Рашидов тумани**	**1,20**	**34,8**
5	**Дўстлик тумани**	**1,15**	**33,4**
6	**Зомин тумани**	**1,20**	**34,8**
7	**Зарбдор тумани**	**1,15**	**33,4**
8	**Зафаробод тумани**	**1,00**	**29,0**
9	**Мирзачўл тумани**	**1,00**	**29,0**
10	**Пахтакор тумани**	**1,15**	**33,4**
11	**Фориш тумани**	**1,00**	**29,0**
12	**Жиззах шаҳар**	**1,25**	**36,3**
13	**Янгиобод тумани**	**1,00**	**29,0**

Халқ депутатлари Жиззах вилоят
Кенгашининг
2021 йил 16 ноябрдаги
VI-29-75-3-0-K/21-сон қарорига
2-илова

Жисмоний шахслар бўйича (деҳқон хўжалигини юритиш учун берилган қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлардан ташқари) мутлоқ миқдорда 1 кв.метр учун белгиланган базавий солиқ ставкаларига нисбатан киритилаётган камайтирувчи ва оширувчи коэффифентлар

Т/Р	Ҳудудлар	Коэффицент (0,5 дан 2 гача)	Ер солиғининг ставкаси 2022 йил учун (сўмда)
1	***2***	***3***	***4***
1	**Арнасой тумани**	**1,00**	**260,0**
2	**Бахмал тумани**	**1,07**	**278,2**
3	**Ғаллаорол тумани**	**1,10**	**286,0**
4	**Ш. Рашидов тумани**	**1,17**	**304,2**
5	**Дўстлик тумани**	**1,15**	**299,0**
6	**Зомин тумани**	**1,03**	**267,8**
7	**Зарбдор тумани**	**1,12**	**291,2**
8	**Зафаробод тумани**	**1,00**	**260,0**
9	**Мирзачўл тумани**	**1,00**	**260,0**
10	**Пахтакор тумани**	**1,15**	**299,0**
11	**Фориш тумани**	**1,00**	**260,0**
12	**Жиззах шаҳар**	**1,65**	**429,0**
13	**Янгиобод тумани**	**1,00**	**260,0**